

Фазлиддин СУВОНОВ,
ЎзХИА мустақил тадқиқотчиси,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти ўқитувчиси

ИМОМ АБУ ЖАЪФАР ТАҲОВИЙ МЕРОСИ

Имом Абу Жаъфар Таҳовий Яман қабилаларидан бири Азд уруғи – ҳажрга мансуб бўлиб, унинг бобоси ислом фатҳидан кейин Мисрни ватан тутган. Араб тилида “ҳажр” сўзи кичик қабилага нисбатан иштиради. Арабларнинг насаб китобларида “қабила, азд, ҳажр” атамалари кўп учрайди. Маслама ибн Қосим Қуртубий ўзининг “ас-Сила” номли китобида Абу Жаъфар Таҳовий насабини Имом Бухорий “ат-Тарихул-кабийр” асарида келтирган маълумотга қўшимча қилиб қуйидагича келтирган: “У Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салама ибн Салама ибн Абдулмалик ибн Салма ибн Салийм ибн Сулаймон ибн Жавоб ал-Аздий, ал-Ҳажрий ал-Мисрий ат-Таҳовий имом, муҳаддис, ҳанафий фақиҳ, ҳофиз Абу Жаъфар”.

Ҳофиз Ибн Асокир эса имом Таҳовий насабини боболаридан бири Салиймгача келтирган бўлса, Ибн Халликон Абдулмаликгача келтирган. Олимлар имом-

нинг туғилган санаси ҳақида турли хил қарашларни билдиришган. Ибн Асокир Ибн Юнусдан имомнинг ҳижрий 239 санада таваллуд топганини ривоят қилган бўлса, имом Заҳабий ва Абулмахосинлар ҳам ушбу 239 санани келтиришган. Лекин, Бадруддин Айний “Нухабул-афкор” асарида Самъонийнинг: “Саҳиҳ ривоятга кўра Таҳовий 229 санада таваллуд топган” деган қарашни қолдирган.

Абу Саъийд ибн Юнус эса Таҳовийнинг “мен 29, яъни (229) санада туғилганман”, деган сўзини ривоят қилган. Бу эса Ибн Асокирнинг Ибн Юнусдан қилган ривоятга хилоф ҳисобланади. Шуни айтиш керакки, юқорида келтирилган қарашлардан бири нотўғри бўлиши керак, лекин иккинчи 229 сана ҳақидаги маълумот муаллифнинг қаламига мансуб. Ибн Халликон: “Имомнинг таваллуди 238 санада бўлган”, деган бўлса, Абу Саъд Самъоний эса: “Саҳиҳ ривоятга кўра 229 санада таваллуд

топган”, деган. Улардан бошқа олимлар эса “имом рабиъулаввал ойининг ўнинчиси, якшанба куни таваллуд топган”, деган маълумотни келтиришган.

Имом Ибн Касир эса: “Абу Жаъфар Таҳовий Мисрнинг Соъийд деган тепа қисмида жойлашган бир қишлоққа нисбат берилган ҳанафий фақиҳ, фойдали кўплаб асарлар муаллифи, ишончли сиқа ровийлар ва забардаст ҳофизлардан бири, Музаний синглисининг ўғлидир...” деган. Абу Саъд Самъонийнинг имом Таҳовий 229 санада таваллуд топган, деган ривоятига кўра, имомнинг ёши 90 дан ошган бўлади. Ибн Касир ҳам ушбу ривоят билан кифояланиб, ҳофиз Ибн Нуқта “ат-Тақийд ли маърифати руватил-масанийд” асарида келган маълумотни келтирган. Муаллиф ўша асарида имом Таҳовийнинг таваллуди 229 санага тўғри келишини ёзган эди. Бадруддин Айний ушбу ривоятга кўра имомнинг ёши “Саҳиҳи Бухорий” асари муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий оламдан ўтган пайтда 27 ёшга тўғри келади, деган. Чунки Имом Бухорий 256 санада оламдан ўтган.

Имом Таҳовийнинг ёши “Сунан” соҳиби имом Абу Довуд вафот этган пайтда 46 да бўлган. Имом Таҳовий “Сунан” соҳиби Муҳаммад ибн Язийд ибн Можа вафот этган пайтда 44 ёшда бўлган, чунки Ибн Можа 273 санада оламдан ўтган. Имом Таҳовий Ибн Можага баъзи шайхларидан ҳадис ривоят қилишда шерик бўлган. Шунингдек, имом Таҳовийнинг ёши имом Аҳмад ибн Ҳанбал оламдан ўтган санада 12 да бўлган экан. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал

241 санада вафот этган. Имомнинг ёши Яҳё ибн Маъийн вафот этган йили 4 ёшда бўлган, чунки Яҳё ибн Маъийн 233 санада вафот этган. Ушбу ривоятларнинг ҳаммаси саҳиҳ ривоят бўлиб, шунга кўра имомнинг таваллуд санаси 229 йилда бўлади. Шунингдек, у зотнинг таваллудини ҳофиз Муҳаммад ибн Абдулғаний ибн Абу Бакр ибн Нуқта Бағдодий ўзининг “ат-Тақийд ли маърифати руватил-масанийд” асарида Аҳмад исмли ровийлар бобида Абу Жаъфар Таҳовий таржимаи ҳоли ҳақида зикр қилган. Ўша асар “ал-Азҳар”да (за) ҳарфи билан сақланаётган асарлар қаторида жойлашган. Демак, имом Таҳовий юқорида номлари зикр этилган улуғ имомлар билан бир асрда яшаган ва уларга айрим ҳадислар ривоятида шерик бўлган. Имом Таҳовий шайхлари қаторида Ҳорун ибн Саъийд Ибний ҳам бўлиб, бу ровийдан имом Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа раҳматуллоҳи алайҳимлар ҳам ҳадис ривоят қилишган.

Ҳофиз Абдулғаний Макдисий “Ал-Камол” асарида Ҳорун ибн Саъийд таржимаи ҳолида бу ровийдан имом Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Абу Ҳотам каби имомлар ҳадис ривоят қилишган, деган. Имом Таҳовий шайхлари қаторида ар-Рабийъ ибн Сулаймон Жийзий ҳам бўлиб, ушбу ровийдан Абу Довуд ва Насоийлар ҳам ҳадис ривоят қилишган. “Ал-Камол” асарида олимнинг исми куйидагича: ар-Рабийъ ибн Сулаймон Жийзий Мисрий Аъраж, деб келтирилган. Ушбу олимдан Абу Довуд, Насоий, Абдуллоҳ ибн Ҳамадон ва Абу Жаъфар Таҳовийлар ҳадис ривоят қи-

лишган. Ўша китобда шунга ўхшаш маълумотни Абу Жаъфар Таҳовийнинг ҳадис ривоят қилган, ҳадис ёзиб олган ва ҳадис айтган шайхлари зикри келган ўринларда ҳам учратиш мумкин.

Абдулазиз ибн Абу Тохир Тамимий: “Имом Таҳовийнинг шайхларидан бири ўзининг тоғаси Музаний ҳам мавжуд. Таҳовий тоғасидан кўплаб ҳадис эшитган ва ундан имом Шофиъийнинг сунанини ҳам ривоят қилган”. Ибн Юнус ҳам имом Таҳовий ўз тоғаси Музанийдан кўп ҳадис эшитган ва ундан имом Шофиъийнинг сунанини ривоят қилган, деган. Бадруддин Айний имом Таҳовийнинг ўз асарларида тоғаси Музанийдан кўплаб, хусусан, “Маъониюл-осор” асарида ҳам ривоят қилганини айтади.

Ҳозирги пайтгача имом Шофиъийнинг “Муснад” асари унинг ториқи – ривоят йўлида ривоят қилиниб келади. Имом Таҳовийнинг ториқи билан имом Шофиъийдан ривоят қилинган ҳадислар Таҳовийнинг Музанийдан, у эса имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳдан эшитган ҳадислари бўлиб, бу тўплам “Сунани Шофиъий” ва “Сунани Таҳовий” номлари билан машҳур. Ушбу ғоятда саҳиҳ нусхалар бўлиб, уларда ровийларнинг ҳар бир табақаси ҳадисларни бир-биридан эшитиб ривоят қилгани ҳам қайд этилган. Ўша нусхалардан бири Остона-Устувона (пойтахт)даги Оё Сўфия кутубхонасида сақланади. Асарнинг нашр нусхаси ҳам яхши ҳисобланади. Лекин ундаги маълумотларни қайта кўриб чиқиш керак ва ислоҳга эҳтиёжи бор. Ушбу тузатиш ишларини ҳофиз Муҳаммад Обид Синдий ўзининг **“Тартибу Муснади Шофиъий”** номли асарида амалга оширган.

Муаллиф бу китобида Муснади Шофиъий асарини тартибга келтирган ва такрорий маълумотларни тушириб қолдирган, натижада асар фойдали ҳолга келган. Аллоҳ тало муаллифнинг бу ишига яраша чиройли мукофотласин. Умид қиламизки, бу ишга аҳл бўлган кишилар ушбу тартибга келтирилган муснад асарини нашр қилсалар, манфаати янада кўпроқ бўлар эди. Чунки Абулаббос Асам томонидан Ҳиндистон ва Мисрда амалга оширилган имом Шофиъий муснадининг нашрида кўпол хатоликлар ҳам мавжуд.

Ибн Асокир ўзининг тарих асарида Имом Таҳовий таржимаи ҳоли ҳақида: “Таҳовий Ҳорун ибн Саъийд Ийлий, Умарийнинг котиби Абу Шурайх Муҳаммад ибн Закариё, Абу Усмон Саъийд ибн Бишр ибн Маравон Рукқий, Рабийъ ибн Сулаймон Жийзий, Абулхорис Аҳмад ибн Саъийд Феҳрий, Алий ибн Маъбад ибн Нух, Исо ибн Иброҳим Ғофикий, Юнус ибн Абдулаъло, Абу Қурра Муҳаммад ибн Ҳамийд Раъийний, Молик ибн Абдуллоҳ Тужайбий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам, Иброҳим ибн Мунқаз Хулоний, Иброҳим ибн Марзук, Баҳр ибн Наср Хулоний, Сулаймон ибн Шуъайб Кайсоний ва бошқа олимлардан ҳадис эшитган”, деган.

Албатта, муҳаддиснинг ҳаёти ҳақида турфа тарихий қайдлар учрайди. Ибн Асокир имом Насойининг таржимаи ҳоли ҳақида: “Имом Таҳовий имом Насойидан ҳадис ривоят қилган”, деган. Саъийд ибн Юнус: “Таҳовий мисрлик ва Мисрга кўчиб келган кўплаб олимлардан ҳадис ривоят қилган”, деган. Улар сирасига Сулаймон

ибн Шуъайб Кайсоний ва Абу Мусо Юнус ибн Абдулаъло Содафийлар киради. Бадруддин Айний айтади: “Имом Таҳовий ҳадис ривоятида имом Муслим ва бошқа ровийларга шерик бўлган”.

Баъзи аҳли илмлар имом Таҳовийдан ривоят қилган кишиларнинг номларини алоҳида келтиришган. Таҳовийдан ҳадис ривоят қилган олимлар сирасига Абулҳасан Алий ибн Аҳмад Таҳовий, Соъид қозиси Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад Тамимий Жавҳарий, Абу Бакр Маккий ибн Аҳмад ибн Саъдвайх Бардаъий, Абулқосим Маслама ибн ал-Қосим ибн Иброҳим Қуртубий, қози, ўз даврида зоҳир аҳлининг шайхи бўлган, Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Алий Довудий, фақиҳ ал-Ҳасан ибн ал-Қосим ибн Абдурраҳмон Абу Муҳаммад, катта қози Ибн Абулъавом, Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад Ахмимий, Маймун ибн Ҳамза Убайдлий, Юсуф ибн ал-Қосим Маёнижий, Аҳмад ибн Абдулворис Зажжож, Муҳаммад ибн Бакр ибн Матрух, қозий Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур Домифоний Ансорий, Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Зубар ва бошқа олимлар киради. Шунингдек, имом Таҳовий ҳадис ривоят қилган машҳур шайхлар қаторига ҳофиз, “Ал-Мўъжам” асарининг муаллифи Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Тобароний, ҳофиз, “Ат-Тарих” асарининг соҳиби Абу Саъийд Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Юнус Мисрий, фойдали ҳофиз, Ғундар лақаби билан танилган олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Ал-Ҳусайн Бағдодий, ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Алий Муқриъ

имом Таҳовийдан “Маъониюл-осор” асарини эшитган.

Имом Бадриддин Айний “Нухабул-афкор” асарида айтади: “Аммо, имом Таҳовийнинг ишончли, диёнатли, омонатли ва тўла фазилат соҳиби, ҳадис илми, унинг илали, носих ва мансухи борасида қўли баланд олим эканига ижмо қилинган, у зотни бу борада бирор киши ортда қолдира олмаган. Унинг ҳақиқа салаф ва халаф олимлари мактов айтишган”.

Абу Саъийд ибн Юнус олим Таҳовийнинг таржимаи ҳоли ҳақида “Мисрлик олимлар тарихи” номли китобда: “Имом Таҳовий сиқа, сабт, фақиҳ, оқил-ишончли, мустаҳкам олим бўлиб, унга ўхшаши ҳали келмаган”, деган. Шу каби маълумотни ҳофиз Ибн Асокир ҳам айтган. Маслама ибн Қосим Қуртубий “ас-Сила” асарида “У қадри улуғ сиқа-ишончли, фақиҳ, олимлар ихтилофини биладиган олим, асар таснифини чуқур билувчи”, деган ва Ибн ал-Аҳмар томонидан айтилган бир сўзни зикр қилган. Мағриб ҳофиз Абу Амр ибн Абдулбарр айтади: “Таҳовий Кўфий (Имом Аъзам) мазҳабига мансуб ва фақиҳлар мазҳабининг барчасини билувчи олим эди”. Шунингдек, Ибн Касир “ал-Бидоя ва-н-Ниҳоя” асарида имом Таҳовий таржимаи ҳоли ҳақида: “У мустаҳкам ишончли олимлар ва забардаст ҳофизлардан биридир...”, деган.

Шубҳасиз, ушбу жиҳатлар унинг муҳаддис сифатида шаклланиши ва ўз даврининг етук уламолари қаторида эътироф этилишига сабаб бўлган. Ўша даврнинг аксар олимлари томонидан муҳаддиснинг тан олиниши бунинг исботидир.